Ватан севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 10 сўм.

1993 йил 20 июль, сешанба

№ 133 (21.484).

## МАЛИКА АННАНИНГ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 июль куни Буюк Британия қироличаси Елизавета II нинг қизи малика Анна зоти олияларини қабул қилди.



Ислом Каримов малика зоти олияларини қутлар экан, унинг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон билан буюк Британия ўртасида қарор топаётган дўстона муносабатларнинг ўзига хос рамзи эканини таъкидлади. Ўзбек ва инглиз ҳалқлари бирбирини янада яхшироқ билиб олиши учун шаклланаётган иқтисодий, савдо-сотиқ муносабатлари баробарида маданий алоқаларни ҳам ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ва Буюк Британия қўшма қироллигидаги қадимий шаҳарларнинг ўзаро биродарлашуви муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ислом Каримов малика зоти олияларига Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш ва атроф муҳитни яхшилаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида сўзлаб берди. Мустақил республикада «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши мазкур масалаларни ҳал этиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканидан далолат беради. Ўзбекистонликлар билан биргаликда мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш ишига улкан ҳисса қўшган чет эллик фуқаролар ҳам ушбу орден билан мукофотланиши мумкин.

Малика Анна зоти олиялари ва у кишининг ҳамроҳлари 17 июль куни эрталаб Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Буюк британиялик меҳмонлар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Паркент туманидаги «Физика-қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан танишдилар.

Буюк Британия маликаси жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетига ташриф буюриб, дорилфунун талабалари, профессор-ўқитувчилари билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети ректори С. Саидқосимов Буюк Британия маликасини дорилфунундаги ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан таништирди.

* * *

18 июль куни малика Анна зоти олиялари ва ҳамроҳлари Самарқанд шаҳрида бўлиб, унинг қадимий тарихий-меъморий обидаларини, Сиёб деҳқон бозорини томоша қилдилар, чинни заводи ишчи-хизматчиларининг қизғин меҳнат фаолиятлари билан танишдилар.

* * *

19 июль куни малика Анна зоти олиялари турмуш ўртоғи ҳамроҳлигида Лондонга жўнаб кетди.

(ЎзА).

Суратда: қабул пайти.

---

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

Ижтимоий адолат қоидаларига риоя этиш ва республика аҳолисини меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга бир хил ёндашиш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 августигача меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолига 1993 йилнинг 20 июлигача амалда бўлган нархларда сотилиши таъминлансин.

2. «Ўзбексавдо» уюшмаси, Ўзбекбирлашув, савдо тармоғига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ушбу фармойиш сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги «Ўзбексавдо» уюшмаси ва Ўзбекбирлашув билан биргаликда ана шу мақсадлар учун бюджетдан бериладиган дотация миқдорига зарур ўзгаришлар киритсинлар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1993 йил 17 июль

---

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши сессияси бўлди. Унда ислоҳотлар шароитида вилоятни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришни жадаллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик, ишбилармонлик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими М. Жуманиёзов шу ҳақда маъруза қилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Яхшимурод Жуманиёзов вилоят ҳокимининг муовини этиб сайланди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сессияда сўзга чиқди.

Сессияда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

---

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## УЙ-ЖОЙ ФОНДИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА УНИ САҚЛАШ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ КОНТРАКТ (ШАРТНОМА) ТИЗИМИГА ЎТИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 1993 йил 15 июлдаги Фармонга ва «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йил 1 январгача мулк эгалари ва уй-жойларни ижарага олувчилар билан ҳудудий коммунал-фойдаланиш ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш учун ҳисоб-китобларининг контракт (шартнома) тизимига ўтказиш зарур деб ҳисоблансин.

Уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш учун томонларнинг ўзаро жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган намунавий шартнома-контракт маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ҳисоб-китобларнинг уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш бўйича норматив (ҳақиқий) харажатларни мулк эгалари ва уй-жойларни ижарага олувчилар ҳисобига қоплашни назарда тутувчи янги тизимига ўтиш унга хизмат кўрсатишга давлат дотациялари миқдорларини ҳар йили қисқартириб борган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилади;

1993 йилда маҳаллий ҳокимият органларининг уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни сақлаш бўйича ҳақиқий харажатларининг 70 фоизи бюджет ҳисобидан қопланади, кейинчалик дотация миқдори йил сайин 10 фоизга камайтириб борилади ва кейинги йилларда мазкур харажатлар тўлиқ мулк эгалари ва уй-жойларни ижарага олувчилар ҳисобига қопланади.

3. 1994 йилдан бошлаб аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни маблағ билан таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари ҳисобига амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда 20 кун муддатда контракт тизимини ҳисобга олган ҳолда, уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш даромадлари ва харажатлари балансини тайёрласин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ушбу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

1993 йилнинг иккинчи ярим йили ва кейинги йиллар учун республика бюджетида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун махсус субсидиялар бериш кўзда тутилсин.

4. Мулк эгалари ва уй-жойларни ижарага олувчилар билан ўзаро муносабатларнинг кўрсатиб ўтилган тартиби ўз балансида уй-жой фонди бўлган вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга ҳам жорий этилсин. Уларга ҳар йили уй-жойлардан фойдаланиш ва уларни сақлашга тегишли маблағлар ажратиш юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уй-жой фондининг тўлиқлик ва шинамлик даражасига, шунингдек, уйнинг тоифасига, қулайликлар мавжудлигига ва хизмат кўрсатиш сифатига кўра, умумий майдоннинг 1 квадрат метри учун ҳақ тўлаш тарифини аниқлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ушбу тартиб асосида умумий майдоннинг бир квадрат метри учун ҳақ тўлаш бўйича аниқ ставкаларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

6. Квартира ҳақи тўлаш бўйича фуқароларнинг айрим тоифалари учун ҳозирги вақтда амалда бўлган имтиёзлар сақлаб қолинсин, тарифлардаги тафовут бюджет манбалари, шунингдек, уй-жой фондининг кимга қарашли эканлигига кўра, корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларига тўлансин.

7. Уй-жойларга хизмат кўрсатиш қийматини тўлаш бўйича аҳолининг анчагина харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда кўп болали, кам таъминланган оилаларга алоҳида пул нафақалари тўлаш тартиби тўғрисида таклифларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, тегишли ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари билан биргаликда:

шу йилнинг 1 ноябригача мулк эгалари ва уй-жойларни ижарага олганлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг янги тизимига ўтиш тўғрисида шартнома-контрактлар тузсинлар;

аҳоли ўртасида зарур тушунтириш ишларини ўтказсинлар, бу ишларга маҳалла ва уй жой комитетларини кенг жалб этсинлар.

Уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари томонидан аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар учун маҳалла ва уй-жой комитетларининг жавобгарлигини оширсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда аҳолининг коммунал хизматлар (уларнинг ўз харажатларини ўзи қоплашга босқичма-босқич ўтишини назарда тутган ҳолда) учун ҳисоб-китоблари тартиби тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, корхоналар ва ташкилотлари аҳоли томонидан ҳамда республика халқ хўжалигида фойдаланиладиган сув, табиий газ ва бошқа энергия манбаларини тежаб сарфлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 26 майдаги 166-ф-сон фармойишини сўзсиз бажаришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар.

11. ЎзССР МИК ва ХКСнинг «Квартира ҳақи ҳамда шаҳарларда ва шаҳар типидаги посёлкаларда уй-жойлардан фойдаланишни тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1927 йил 26 майдаги 63-сон, ЎзССР ХКСнинг 1945 йил 31 декабрдаги 2078-сон қарорлари кейинги ўзгаришлари билан бирга ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари ўртоқ К. Н. Тўлаганов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1993 йил 17 июль.

**(Вазирлар Маҳкамаси қарорига шарҳни газетамизнинг иккинчи бетида ўқийсиз).**

---

**Ислом КАРИМОВ:**

## ИЛМ-ЗИЁ САЛОҲИЯТИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

**Бизга ўтмишдан ҳайратомуз обидалар, осори атиқалар билан бирга аждодларимизнинг ақл-заковати, зеҳни ва фаросати, фикрлаш салоҳияти — бой маънавий олами ҳам мерос бўлиб қолган. Мустабид тузум ўрнида янги — навқирон тузум қарор топаётган кунларда ана шу мерос асқотади. Ундан қанча самарали фойдалансак, истиқлолимиз шунча мустаҳкамланади, довонлардан ўтишимиз енгил кўчади. Онги, шуури зўр халқнинг келажагига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Келажак тақдири эса тобора кучга тўлиб бораётган мустақиллигимизнинг муносиб ворислари — фарзандларимиз қўлидадир. Уларга ғамхўрлик қилиш, ҳар жиҳатдан етук, билимдон мутахассис бўлиб етишишда кўмаклашиш, бунинг учун олий таълим тизимини замон талаблари даражасига етказиш, абитуриентлардан имтиҳон олиш усулларини такомиллаштириш зарур.**

**Аввал хабар қилинганидек, Вазирлар Маҳкамасида ана шу масалага бағишланган йиғилиш бўлди.**

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов йиғилишни очиб, мустақиллик шароитида олий таълим ва унинг концепцияси, миллий мафкурани шакллантириш масалаларига тўхталди. Бугунги йиғилишда, деди Президент, республикамиз олий ўқув юртларига кирувчилардан тест усулида имтиҳон олишга доир муаммоларни муҳокама қиламиз. Мазкур долзарб масала мураккаблигига қарамай, унинг концепциясини келишиб олишимиз лозим. Зотан, бугунги кун, давр талаби шу эканини унутмаслигимиз керак.

Мустақиллигимизнинг икки йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Шу вақт мобайнида ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан анча етилдик, олимлар, зиёлилар миллий мафкурамизни яратиш хусусида фикр ва мулоҳазаларини билдиряпти.

Тўғри, бу борада ҳозирча айрим ноаниқликлар ҳам бор. Биз миллий мафкурани яратиш билан бирга олдимизга биз ким учун қандай давлат қуряпмиз, деган саволни кўндаланг қўяр эканмиз, ўзимизни ким билан таққослаётганимизга, капиталистик ёки монополистик, социалистик ёндошишлар йўқ бўлганига эътибор беришимиз зарур. Ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи олимлар, профессор-ўқитувчилар шу масалада фикр билдириши, йўлимизни янада аниқроқ белгилаб олишимизда ёрдам бериши даркор. Айниқса, ўсиб келаётган авлод тақдирига ҳеч ким бефарқ қарай олмайди. Бунда олий ўқув юртларининг аҳамияти каттадир. Ёшларни қай усулда ўқитиш, уларни тарбиялаш, мустақил мамлакатнинг етук мутахассислари бўлишига қайғуриш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунда олий ва ўрта махсус таълим ти-

**(Давоми иккинчи бетда).**

---

## ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент ҳокими А. Фозилбеков Ўзбекистон пойтахти ёшларининг вакиллари билан учрашди. Суҳбат чоғида мустақил Ўзбекистоннинг келажагини барпо этишда, ижтимоий ва ўзга масалаларни ҳал қилиш ишида янги авлодга ҳар томонлама кўмак беришда ёшларнинг тутган ўрни ва вазифалари таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ёшлар муаммоларига алоҳида эътибор бераётгани уқтирилди.

Тўпланганларнинг диққат-эътибори оилада ва мактабда, маҳаллада, корхоналарда, олий ўқув юртлари ва техникумларда, ҳунар-техника билим юртларида ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш зарурлигига қаратилди. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир киши фақат ўз фаровонлигини кўзлаб эмас, балки давлатнинг юксалиши ва гуллаб-яшнаши йўлида ташаббускорлик ва омилкорлик кўрсатиши лозимлиги таъкидланди.

Учрашув чоғида ёшлар орасида жиноятчиликка қарши кураш, ҳозирги шароитда Ёшлар Иттифоқи фаолиятини такомиллаштириш муаммоларига ҳам тўхтаб ўтилди.

Учрашувда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов нутқ сўзлади.

(ЎзА).

---

## ЮРТИМИЗ КЎЗ ҚОРАСИ, ҚАЛБИ ВА ТАЯНЧИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов нутқи*

Азиз дўстлар!

Суюкли ва меҳрибон ёшлар!

Барчангизга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг оташин саломини, самимий тилакларини етказишга ижозат бергайсиз.

Ёшлар мавзусида сўзламакнинг бугун алоҳида масъулияти, файзи бор. Ёш мустақил давлатимиз икки ёшга тўлмоқда. Тарих учун шу ғоят қисқа фурсат ичида қилинган тарихий ишларга назар солсак, юртимизда, диёримизда ва энг асосийси, кишиларимиз тафаккурида нақадар буюк уйғонишлар ва ҳаётбахш ўзгаришлар бошланаётганини сезамиз.

Бу ўзгаришлар ёш юракларга алоҳида тўлқин солмоқда. Мустақилликнинг ёрқин шуъласи — ёш йигит-қизлар қалбидан жой олмоқда.

Кеча ва бугуннинг фарқига бир назар солайлик!

Кечагина район комсомол қўмитасига котиб бўладиган раҳбар ёки ёшлар газетасига тайинланаётган муҳаррир Москвада суҳбатдан ўтиб ВЛКСМдаги «оға»ларнинг йўл-йўриқларини олиб қайтар эди. Ё дейлик, чет элларда ўқишни орзу қилган не-не ёшлар учун, неча авлод учун, бу иш афсонагича қолиб кетаверди. 20-йилларда бир мўъжиза юз бериб, Германияга ўқишга борган ёшлар эса минг афсус барчаси қайтиб келганларидан кейин турли айблар билан омонсиз қатағон қилиндилар.

Бугунчи? Уч-тўрт кун бурун биз Туркия ва бошқа давлатларда ўқиётган ёшларни Тошкент аэропортида кутиб олган кишиларнинг юзлари-кўзларидаги фахр-ғурур туйғуларини, юксак бир кўтаринкиликни кўрдик, ниҳоятда қувондик.

Бир-икки йилгина бурун не-не иқтидорли ёшлар, уларнинг қанча-қанча ночор оталари олий мактаблар остоналарига йўлолмай, ноумид кўзлари бир дарё ёш бўлиб, қайтиб кетганларини биламиз-ку! Бугун барча ўқув юртларида жорий этилаётган тест синовлари ёшларда ва нафақат ёшларда, илмга қайноқ ҳаётга, истиқболга, демак Истиқлолимиз асосларига улкан умидлар уйғотмоқда.

Ёшлик деган сўз доим сурур, билим, тарбия сўзлари билан ҳамоҳангдир. Ёшлик — орзулар ва ишқ-муҳаббат фасли. Ёшларимиз Ватанимизнинг, Истиқлолимизнинг кўз-қораси, қалби, таянчидир.

Машҳур француз философи Гельвиций айтганидек, «ёшлик пайтида шундай улуғ фикрлар туғиладики, бу фикрлар келажакда инсонни кўкларга кўтариши лозим»:

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сўнгги пайтларда имзо чеккан Фармонларнинг кўплари ёшларимиз тақдирига, ҳаётига бевосита боғлиқ. Биргина «Соғлом авлод учун» деган жамғарма, дастур ва мукофотнинг таъсис этилишида бир олам маъно бор.

Соғлом авлод учун деган ғоя — Президентимизнинг миллатимиз келажаги учун улуғ чақириғи, нидосидир!

Буни қалб қулоғи билан эшитмак керак!

Президентимиз куни-кеча улуғ боболаримиз Баҳовуддин Нақшбанд, Улуғбек, Бобур, Қодирий таваллудларини юксак даражада нишонлаш, буюк соҳибқирон Амир Темурга ҳайкал ўрнатиш ҳақидаги фармонларга қўл қўйдилар. Қайтаётган қадриятларимиз — боболар руҳи бизга мададкор бўлажак!

Қарангки, Хоруд ар Рашид, Маъмун замонларида ташкил этилган академияда юртдошимиз Аҳмад Фарғоний етук йўлбошчи олим ҳисобланган. Минг йил бурунги Хоразм академиясини оласизми, Улуғбек қурдирган самовий ҳайратомуз устурлобни кўрасизми, Форобий, Ибн Сино, Беруний жилдларини варақлайсизми. Томирларимиз нақадар теран чашмалардан, улуғвор дарёлардан озиқ олади.

Ўзбекистон — ғоят қадимий диёр, беҳад бой мамлакат! Президентимизнинг яқинда Швейцарияда сўзлаган нутқида саналган бойликларни бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Табиат, тангри таоло беҳисоб бойликларга кон қилиб яратган еримизни!

**(Давоми иккинчи бетда).**

---



**● ҚАШҚАДАРЁ воҳаси меҳнаткашлари мустақил давлатимизни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиёти туфайли юзага келган вақтинчалик қийинчиликларни бартараф этиш йўлида астойдил саъйи-ҳаракатлар қилмоқдалар. Маълумки, Қашқадарёнинг иқтисодий имкониятлари катта. Хусусан, газ ва нефть қазиб олиш ишлари бўйича ибратли ишлар олдинги ўринда. Яқинда «Шўртангаз» газ тозалаш бошқармаси жамоаси яна бир кучли мосламани монтажлаш ишларини ниҳоясига етказди. Бу билан газни тозалаш ишлари соатига 350 минг кубметрга етадиган бўлди.**

**СУРАТДА: янги газ тозалаш мосламасининг бошлиғи Тўлаган Жўраев (чапда) ва оператор Райимқул Тошболтаев.**

**Ш. ШАРОПОВ олган сурат (ЎзА).**

Tabani

RICHMOND

KING SIZE




*Қуйидаги манзилга мурожаат этиб, бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш мумкин:*

Тошкент шаҳри. Катта Миробод кўчаси, 158-уй (Ивлев, 67).

"Табани групп оф компаниз"

Telephon. 32-35-53, 54-06-70, 54-07-98, 55-35-49.

*Бош бошқарувчиси, АББОСХОН.*

Ўзбекистон Республикасидаги савдо агентларимиз: *"Мунис" ЛТД, 'ХЕСО" ЛТД,* шунингдек *"ФРИА"* фирмалари.

Fax. 54-08-30.
Telex. 116416 TABAKI SU

Чекиш соғлигингиз учун зарарлидир!



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16,
Жиноятчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70, 32-53-15.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.

Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Нукусда — 2-42-62;
Қаршида — 3-25-79;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01;
Фарғонада — 6-37-16.
Навбатчи муҳаррир: Ш. РЎЗИЕВ.

- Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат беради.
- Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 2 босма табоқ, тиражи 156006 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.20.
Г — 325. № 133.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6